



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2020 yil «1» май

№ПҚ-4702

Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш түғрисида

Мамлакатда тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини жадал амалга оширишни ташкил этиш, аҳоли билан мулоқот тизимини йўлга қўйиш, аҳоли турмуш даражаси ва бандлигини ошириш, худудларни жадал ва комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни таъминлашда маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолатини чуқур таҳлил қилишда истиқболга йўналтирилган мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш учун уни комплекс баҳолашнинг ҳамда юзага келаётган муаммоларни ҳал қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқсан ҳолда уларга тезкорлик билан ва лозим даражада жавоб қайтаришнинг ягона мувофиқлаштирилган механизми йўқлиги тўсқинлик қилмоқда.

Худудларни барқарор ва жадал ривожлантириш учун уларнинг комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожланишини, табиий хом ашё ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини, иқтисодий ва инвестициявий салоҳиятини, шунингдек, худудларнинг бошқа қиёсий устунликларини баҳолашнинг ягона тизимини жорий этиш мақсадида:

1. Статистик кўрсаткичлар ва сўровномалар натижалари асосида **худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини рейтинг баҳолаш тизими** (бундан буён матнда – рейтинг баҳолаш) жорий этилсин ва бунда қуидагиларга алоҳида эътибор қаратилсин:

барқарор ва мутаносиб иқтисодий тараққиётни таъминлаш, иқтисодий ислоҳотлар самарадорлиги;

янги иш ўринлари яратиш, ишсизликни камайтириш ва меҳнат бозори самарадорлигини таъминлаш;

ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини ошириш ва аҳоли турмуш сифатини яхшилаш;

аҳоли ва бизнес учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ишлаб чиқариш инфратузилмасининг барқарорлиги ҳамда ишончлилигини таъминлаш;

худудларнинг рақобатбардошлиқ даражасини ошириш, уларнинг иқтисодиётини янада диверсификация қилиш;

ишбилармонлик муҳити сифатини яхшилаш, тадбиркорликни доимий қўллаб-қувватлаш ва жадал ривожлантириш;

худудларнинг молиявий мустақиллигига эришиш ҳамда банк-молия соҳасини ривожлантириш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш самарадорлиги ва маълумотларнинг очиқлигини ошириш.

2. Рейтинг кўрсаткичлари асосида худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

3. Белгилансинки:

рейтинг баҳолаш ушбу қарорнинг 6-бандида назарда тутилган ахборот тизими ишлаб чиқилгандан сўнг 2019 йил учун **синов режимида** амалга оширилади;

рейтинг баҳолаш натижалари асосида рейтинг кўрсаткичларини аниқлаш Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар кесимида амалга оширилади;

ўтган йил учун рейтинг баҳолаш натижалари ҳар йили **1 февраль** (тезкор баҳолаш) ва **15 июнга** (якуний натижалар) қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси ва давлат ҳокимияти вакиллик органлари киритилади;

рейтинг баҳолаш натижалари ҳар йили Вазирлар Маҳкамаси ва давлат ҳокимияти вакиллик органлари йиғилишларида танқидий муҳокамага қилиниши шарт.

4. **Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига** рейтинг баҳолаш натижаларини умумлаштириш, шунингдек, рейтинг баҳолашни амалга оширишда иштирок этувчи тегишли органлар, ташкилотлар ва муассасалар фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш ҳамда мувофиқлаштириш вазифаси юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига, зарурат бўлганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда рейтинг кўрсаткичлари тизими ҳамда уларни ҳисоблаш усулларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ваколати берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти (кейинги ўринларда – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти), “Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази (кейинги ўринларда – “Ижтимоий фикр” маркази), Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази (кейинги ўринларда – Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази), Давлат статистика қўмитаси, Савдо-саноат палатаси:

икки ой муддатда илғор хорижий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда ҳудудларни рейтинг баҳолаш учун аҳоли ва тадбиркорлар ўртасида сўровнома ўtkазиш методологиясини ишлаб чиқсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига келишиш учун киритсин;

тасдиқланган методология асосида **ҳар йили** туман ҳамда шаҳарларда аҳоли ва тадбиркорлар ўртасида сўровнома ўtkазсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан бирга **2020 йил 1 июнга қадар** масъул органлар, ташкилотлар ва муассасалар томонидан ҳудудлар рейтингини тузиш учун маълумотларни онлайн режимда киритиш имконини берувчи ахборот тизими (кейинги ўринларда – ахборот тизими) ишлаб чиқилишини, шунингдек, 2019 йил якунлари бўйича ўtkазилган синов режимидаги рейтинг баҳолаш натижалари асосида унинг такомиллаштирилишини таъминласин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги – ахборот тизимининг буюртмачиси;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар – ахборот тизимини яратиш ҳамда уни келгусида қўллаб-қувватлаш, шунингдек, сўровномаларни ташкил этиш ва ўtkазишнинг молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига унинг асослантирилган ҳисоб-китобларига мувофиқ ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, шунингдек, сўровномаларни ташкил этиш билан боғлиқ харажатларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси захира жамғармаси ҳисобидан зарур маблағларни;

2020 йилдан бошлаб ҳар йили ахборот тизимини техник ва дастурий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, сўровномаларни ўtkазиш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги буюртманомаларига асосан зарур маблағларни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари параметрларида назарда тутган ҳолда ажратсин.

9. Белгилаб қўйилсинки:

давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари ҳисобот йилидан кейинги **15 январь** (тезкор) ва **1 июндан** (якуний) **кечикирмай** ҳисобот йили якуни бўйича тегишли маълумотларни ахборот тизимига ҳаққоний ва ўз вақтида киритишни таъминлайди;

рейтинг жараёнига жалб этилган давлат органлари, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари сўровномаларни шаффоф ва холисона ўtkазиш ҳамда тегишли маълумотларни ахборот тизимига киритиш учун шахсан жавобгардир;

давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан ахборот тизимига ишончсиз ёки нотўғри маълумотларни киритиш, шунингдек, уларни ўз вақтида киритмаслик ҳолатлари аниқланган тақдирда, тегишли раҳбарларга нисбатан интизомий жазоchorалари қўлланилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг айrim қарорлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Мазкур қарор ижросини ташкил этишининг қуидаги тартиби белгилансин:

а) Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Кўчқоров:

мазкур қарор ижросини сифатли таъминласин, белгиланган чора-тадбирларни амалга оширишга масъул вазирлик ва идораларнинг самарали фаолиятини ташкил этсин ҳамда

мувофиқлаштирсин, аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этсин;

ахборот тизимиға киритилган статистик кўрсаткичлар ва сўровнома натижаларини ўз вақтида умумлаштирсин ҳамда ҳудудлар рейтингини аниқласин;

ушбу қарорнинг мақсад ва вазифаларига эришиш, шунингдек, баҳолаш мезонлари ва таҳлил усулларини аниқлаш мақсадида Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти, "Ижтимоий фикр" маркази, Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази, Давлат статистика қўмитаси ва Савдо-саноат палатаси билан биргаликда давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг масъул ходимлари учун даврий семинарлар ташкил этсин;

рейтинг кўрсаткичларининг мониторингини ва оммавий ахборот воситалари, шу жумладан расмий веб-сайтда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини баҳолаш натижалари тўғрисидаги маълумотлар муентазам равишда кенг ёритилишини таъминласин;

б) Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раисининг ўринбосари Б.Т. Турабов – ҳудудларнинг рейтинг кўрсаткичлари шакллантирилишини мониторинг қилсин;

в) масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари – ахборот тизимиға маълумотларнинг ўз вақтида, сифатли ва тўлақонли киритилиши ҳамда сўровномалар ўтказилиши учун барча зарур чораларни кўрсинг;

г) Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А.К. Кўчимов ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси А.Д. Хаджаев – мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти, унинг амалий аҳамиятини ёритиб бериш бўйича мақолалар чоп этилишини ҳамда матбуот анжуманлари, тематик телекўрсатувлар ўтказилишини ташкил этсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри



Ш. Мирзиёев

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2020 йил 1 майдаги ПҚ-4702-сон қарорига
1-илова

Рейтинг қўрсаткичлари асосида ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини баҳолаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

I боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом рейтинг қўрсаткичлари асосида ҳудудларнинг (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар) ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини баҳолаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда куйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

рейтинг қўрсаткичлари – ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини баҳолаш учун фойдаланиладиган сифат ва микдор қўрсаткичлари ҳамда сўровлар натижалари тизими;

рейтинг – рейтинг қўрсаткичлари бўйича ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатини баҳолаш орқали ҳудудларнинг рейтинг ўрнини аниқлаш.

3. Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини рейтинг қўрсаткичлари асосида баҳолаш ушбу Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

II боб. Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини баҳолашнинг рейтинг қўрсаткичлари

4. Баҳолаш қўрсаткичлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар бўйича алоҳида ҳисоблаб чиқилади.

5. Баҳолаш қўрсаткичларини шакллантириш икки босқичдан иборат.

Биринчи босқич. Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатини баҳолаш учун **статистик қўрсаткичлар** асосида баҳоланадиган қуйидаги 8 та устувор йўналиш белгиланади:

иқтисодий ривожланиш ва самарадорлик;

меҳнат бозори самарадорлиги;

ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имконияти ва сифати;

инфратузилмадан фойдаланиш имконияти ва унинг ривожланганлиги;

иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ва диверсификация қилинганлиги;

ишбилармонлик мұхити сифати ва тадбиркорликни ривожлантириш;

молиявий мустақиллик, банк-молия соҳасининг ривожланиши;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш самарадорлиги ва маълумотларнинг очиқлиги.

Иккинчи босқич. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлардаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол тасдиқланган методология асосида қўйидагиларни аниқлаш мақсадида алоҳида сўровлар ўтказиш орқали баҳоланади:

аҳолининг ижтимоий ўзини ҳис этиши ва турмуш сифати;

тадбиркорлар ва инвесторлар учун ишбилармонлик мұхитининг ҳолати;

жамиятнинг ислоҳотларга ишончи даражаси ҳамда давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият институтларининг сифати.

Аҳоли ва тадбиркорлар ўтасида рейтинг баҳолаш бўйича сўровномалар ўтказиш методологияси Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

6. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шунингдек, туманлар ва шаҳарлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини баҳолашнинг рейтинг кўрсаткичлари ушбу Низомга 2, 2а, 3 ва За-иловаларга мувофиқ аниқланади.

III боб. Рейтинг тизими кўрсаткичларини ҳисоблаш

7. Рейтинг кўрсаткичлари қўйидагича ҳисобланади:

мазкур Низомга 2, 2а, 3 ва 3-иловаларда кўрсатилган статистик кўрсаткичларга асосан, уларга мувофиқ ҳудуд учун энг юқори балл 50 бални ташкил этади;

ўтказилган сўров натижаларига кўра, унга мувофиқ худуд учун энг юқори балл 50 баллни ташкил этади.

8. 5-банднинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳар бир устувор йўналиш учун максимал балл уларнинг таркибий рейтинг кўрсаткичлари бўйича teng тақсимланади.

9. Устувор йўналишларни ташкил қилувчи статистик кўрсаткичлар ҳам ижобий, ҳам салбий бўлиши мумкин.

10. Ижобий кўрсаткичлар бўйича баллар қуидаги формула асосида ҳисобланади:

$$X_{ball} = \frac{X}{X_{max}} * Y_{max\ ball}$$

бунда: X_{ball} - худуднинг муайян кўрсаткич бўйича балли; X - худуд кўрсаткичи; X_{max} - худудлар орасида ушбу кўрсаткичнинг максимал қиймати; $Y_{max\ ball}$ - ушбу Низомга 2, 2а, 3, За-иловаларда берилган кўрсаткичнинг энг юқори балли.

11. Салбий кўрсаткичлар бўйича баллар қуидаги формула асосида ҳисобланади:

$$X_{ball} = Y_{max\ ball} - \frac{Y_{max\ ball}}{X_{max}} * X$$

бунда: X_{ball} - худуднинг муайян кўрсаткич бўйича балли; X - худуд кўрсаткичи; X_{max} - худудлар орасида ушбу кўрсаткичнинг максимал қиймати; $Y_{max\ ball}$ - ушбу Низомнинг 2, 2а, 3, За -иловаларда берилган кўрсаткичнинг максимал балли.

12. Худуд учун биринчи босқич бўйича жами баллар устувор йўналишларнинг статистик кўрсаткичлари балларини жамлаш йўли билан ҳисобланади.

13. Худуд учун якуний балл статистик кўрсаткичлар бўйича жами баллар ва ўтказилган сўров натижалари бўйича тўплangan балларни қўшиш орқали аниқланади.

14. Якуний баллар асосида қуидаги 2 та рейтинг шакллантирилади:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича;

туманлар ва шаҳарлар бўйича.

IV боб. Баҳолаш натижаларини тақдим этиш ва улардан фойдаланиш

15. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳудудларни рейтинг баҳолаш натижалари бўйича ҳар йили қуидаги муддатларда таҳлилий маълумотнома тайёрлайди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига киритади:

1 февралгача (тезкор маълумот) – аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тезкор чоралар кўриш учун;

15 июнгача (якуний натижалар) – кейинги календарь давр учун дастурий чора-тадбирлар ва стратегияларни ишлаб чиқиша фойдаланиш учун.

16. Рейтинг баҳолаш натижалари ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Олий Мажлис палаталари ва халқ депутатлари Кенгашлари мажлисларида танқидий муҳокама қилиниши лозим.

V боб. Якунловчи қоидалар

17. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринbosари бўлинмаси Низом талабларига риоя этилиши устидан назорат олиб боради.

18. Ушбу Низом талабларини бузишда айбдор шахслар қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда жавобгар бўлади.

Рейтинг кўрсаткичлари асосида худудларнинг
ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини
баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

**Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини рейтинг
кўрсаткичлари асосида баҳолаш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Тадбирлар	Масъуллар	Бажариш муддатлари
I босқич	Рейтинг баҳолаш учун сўровнома ўтказиш методологиясини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишиш.	Иқтисодий тараққиёт вазирлиги, Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти, Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази, "Ижтимоий фикр" маркази, Давлат статистика қўмитаси, Савдо-саноат палатаси	Қарор қабул қилингандан сўнг 2 ой ичида
II босқич	Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши даражаси бўйича статистик кўрсаткичларни онлайн режимида ахборот тизимига киритиш.	Давлат бошқаруви органлари, ташкилот ва муассасалар	Ҳар йили 15 январгача (тезкор), 1 июнгача (якуний)
III босқич	Аҳоли ва тадбиркорлар ўртасида сўровнома ўтказиш, унинг натижаларини умумлаштириш ва тегишли маълумотларни ахборот тизимига киритиш.	Иқтисодий тараққиёт вазирлиги, Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти, Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази, "Ижтимоий фикр" маркази, Давлат статистика қўмитаси, Савдо-саноат палатаси	Ҳар йили 15 январгача (тезкор), 1 июнгача (якуний)
IV босқич	Ахборот тизимига киритилган статистик кўрсаткичлар ва сўров натижаларини умумлаштириш ҳамда худудлар рейтингини аниқлаш.	Иқтисодий тараққиёт вазирлиги	Ҳар йили 25 январгача (тезкор), 10 июнгача (якуний)
V босқич	Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда давлат ҳокимияти вакиллик органларига маълумотлар ва рейтинг кўрсаткичларини киритиш.	Иқтисодий тараққиёт вазирлиги	Ҳар йили 1 февралгача (тезкор), 15 июнгача (якуний)
VI босқич	Олий Мажлис Конунчилик палатаси ва Сенати, Халқ депутатлари кенгашлари мажлисларида худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши даражасини баҳолашнинг рейтинг кўрсаткичлари натижаларини муҳокама қилиш.	Олий Мажлиснинг Конунчилик палатаси ва Сенати, Халқ депутатлари кенгашлари (вилоятлар, туманлар, шаҳарлар)	Ҳар йили 10 февралгача (тезкор), 15 июлягача (якуний)
VII босқич	Вазирлар Маҳкамаси мажлисида худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши даражасини баҳолашнинг рейтинг кўрсаткичлари натижаларини муҳокама қилиш.	Вазирлар Маҳкамаси	Ҳар йили 10 февралгача (тезкор), 15 июлягача (якуний)

Рейтинг кўрсаткичлари асосида ҳудудларнинг
ижтимоий-иктисодий ривожланиш даражасини
баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

Туман ва шаҳарларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш даражасини баҳолашнинг
РЕЙТИНГ КЎРСАТКИЧЛАРИ
(якуний баҳо)

T/р	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Кўрсаткичларни ҳисоблаш методикаси	Масъул орган*	Индикатор тоифаси ва баллари
	Жами маxимал балл				50
	1. Иктисодий ривожланиш ва самарадорлик кўрсаткичлари				7,5
1.	Истеъмол нархлари индекси	фоиз	Ўтган йилнинг мос даврига товарлар (хизматлар) учун гуруҳ нарх индексларидан ўртача арифметик тортилган қиймат	Давлат статистика қўмитаси	Салбий
2.	Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ҳудудий саноат маҳсулотлари ҳажми	минг сўм	Ҳудудий саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмининг доимий аҳоли ўртача йиллик сонига нисбати	Давлат статистика қўмитаси	Ижобий
3.	Аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар ҳажми	минг сўм	Кўрсатилган бозор хизматлари ҳажмининг доимий аҳоли ўртача йиллик сонига нисбати	Давлат статистика қўмитаси	Ижобий
4.	Аҳоли жон бошига тўғри келадиган чакана товар айланмаси ҳажми	минг сўм	Чакана товар айланмаси ҳажмининг доимий аҳоли ўртача йиллик сонига нисбати	Давлат статистика қўмитаси	Ижобий
5.	Аҳоли жон бошига тўғри келадиган марказлашмаган инвестициялар ҳажми	минг сўм	Марказлашмаган инвестициялар ҳажмининг доимий аҳоли ўртача йиллик сонига нисбати	Давлат статистика қўмитаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги	Ижобий
6.	Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ҳудудий экспорт ҳажми	АҚШ доллари	Ҳудудий экспорт ҳажмининг доимий аҳоли ўртача йиллик сонига нисбати	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси	Ижобий

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Кўрсаткичларни ҳисоблаш методикаси	Масъул орган*	Индикатор тоифаси ва баллари
2. Меҳнат бозорининг самарадорлиги кўрсаткичлари					6,25
7.	Аҳоли бандлиги даражаси	фоиз	Иқтисодиётда банд бўлганлар сонининг иқтисодий фаол аҳоли умумий сонига нисбати	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси	Ижобий
8.	Хотин-қизларнинг бандлиги даражаси	фоиз	Бандлиги таъминланган хотин-қизлар сонининг иқтисодий фаол хотин-қизлар сонига нисбати	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси	Ижобий
9.	Вақтинча ишлаш учун хорижга кетгандарнинг иқтисодий фаол аҳолининг умумий сонидаги улуши	фоиз	Вақтинчалик ишлаш учун хорижга кетгандар сонининг иқтисодий фаол аҳоли умумий сонига нисбати	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари, Ички ишлар вазирлиги	Салбий
10.	Меҳнат унумдорлиги	фоиз	ЯҲМ солиштирма нархларда саноатда банд бўлганлар сонига нисбатининг ўтган йилга нисбатан ўзгариши	Давлат статистика қўмитаси	Ижобий
11.	Меҳнат бозорининг кескинлик даражаси	киши	1 бўш иш ўрнига ишсизлар сони (ишга жойлашишга муҳтоҷ шахслар)	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги	Салбий

T/р	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Кўрсаткичларни ҳисоблаш методикаси	Масъул орган*	Индикатор тоифаси ва баллари
3. Ижтимоий соҳадаги хизматларнинг ҳаммабоплиги ва сифат кўрсаткичлари					11,25
12.	Мактабгача таълим муассасалари билан қамраб олиш даражаси	фоиз	Мактабгача таълим муассасаларида тарбияланаётган болаларнинг 3-6 ёшдаги болалар умумий сонидаги улуши	Мактабгача таълим вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси	Ижобий
13.	Умумтаълим мактабларининг юкламаси (смена)	коэффициент	Ўқувчилар ҳақиқий сонининг умумтаълим мактабларининг лойиҳавий қувватига нисбати	Халқ таълим вазирлиги	Салбий
14.	Умумтаълим мактабларининг олий маълумотли педагог кадрлар билан таъминланганлик даражаси	киши	Умумтаълим мактабларида ҳар 1000 ўқувчига тўғри келадиган олий маълумотли ўқитувчилар сони	Халқ таълими вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси	Ижобий
15.	Шифокорлар билан таъминланганлик	киши	Ҳар 10 минг кишига тўғри келадиган шифокорлар сони	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси	Ижобий
16.	Аҳолининг касалхона койкалари билан таъминланганлик даражаси	бирлик	Ҳар 10 минг кишига тўғри келадиган касалхона койкалари сони	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси	Ижобий
17.	Тез тиббий ёрдамдан фойдаланиш имконияти	бирлик	Ҳар 10 минг кишига шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш автотранспорт техникалари сони	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси	Ижобий

T/р	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Кўрсаткичларни ҳисоблаш методикаси	Масъул орган*	Индикатор тоифаси ва баллари
18.	Аҳолининг бирламчи касалликка чалиниши	киши	Ҳар 100 минг кишига тўғри келадиган биринчи марта ташхис қўйилган bemорларда қайд этилган касалланишлар сони	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси	Салбий
19.	Оналар ўлими	коэффициент	Оналар ўлими сонининг ҳар 100 минг тирик туғилган чақалоқлар сонига нисбати	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси	Салбий
20.	Болалар ўлими	коэффициент	Ҳисбот даврида 1 ёшгача бўлган болалар ўлими сонининг ҳар минг тирик туғилган чақалоқларга нисбати	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси	Салбий
4. Инфратузилманинг ривожланиши ва ҳаммаболлиги кўрсаткичлари					5,0
21.	1 та яшовчига тўғри келадиган аҳолининг уй-жой билан таъминланганлиги	кв. м	Уй-жой фондининг майдони ўртacha йиллик аҳоли сонига нисбати	Давлат статистика қўмитаси, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги	Ижобий
22.	Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминланганлиги	фоиз	Тоза ичимлик сув билан таъминланган аҳоли сонининг умумий аҳоли сонига нисбати	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси	Ижобий
23.	Автомобиль йўллари узунлиги	минг кв. км.да км	Давлат ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган умумий фойдаланишдаги қаттиқ қопламали автомобиль йўлларнинг зичлиги	Автомобиль йўллари қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси	Ижобий

T/р	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Кўрсаткичларни ҳисоблаш методикаси	Масъул орган*	Индикатор тоифаси ва баллари
24.	Марказлашган оқава сув тизимиға уланганлик	фоиз	Марказлашган оқава сув тизимиға уланган аҳолининг умумий аҳоли сонига нисбати	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги	Ижобий
5. Иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ва диверсификацияси кўрсаткичлари					3,75
25.	Саноат ишлаб чиқаришининг экспортга йўналтирилганлиги	фоиз	Саноат ишлаб чиқариши экспорт ҳажмининг жами саноат ишлаб чиқариши маҳсулотлари ҳажмиға нисбати	Давлат статистика қўмитаси	Ижобий
26.	Аҳоли жон бошига истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми	минг сўм	Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг доимий аҳоли ўртача йиллик сонига нисбати	Давлат статистика қўмитаси	Ижобий
27.	Қишлоқ хўжалигида сувни тежаш технологияларини жорий этиш даражаси	фоиз	Сувни тежайдиган технологиялар билан таъминланган майдоннинг қишлоқ хўжалиги ерларининг умумий майдонидаги улуши (ўрмон хўжалиги ерларидан ташқари)	Қишлоқ хўжалик вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги	Ижобий
6. Ишбилиармонлик муҳити ва тадбиркорликни ривожлантириш сифат кўрсаткичлари					7,5
28.	Хорижий инвесторлар учун инвестициявий жозибадорлик	фоиз	Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг умумий инвестиция ҳажмидаги улуши	Давлат статистика қўмитаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги	Ижобий
29.	Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари сони	бирлик	Ҳар 1 000 аҳолига тўғри келадиган кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари сони	Давлат статистика қўмитаси, Давлат хизматлари агентлиги	Ижобий
30.	Тадбиркорлик субъектларининг яшаб қолиши	фоиз	3 йилдан ортиқ фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларининг фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари умумий сонидаги улуши	Давлат статистика қўмитаси, Давлат хизматлари агентлиги	Ижобий

T/р	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Кўрсаткичларни ҳисоблаш методикаси	Масъул орган*	Индикатор тоифаси ва баллари
31.	Тадбиркорлик субъектларининг фаоллиги	фоиз	Рўйхатдан ўтган тадбиркорлик субъектлари умумий сонида фаолият юритмаётган ва "ноль" ҳисобот топширган тадбиркорлик субъектлари улуши (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)	Давлат статистика қўмитаси	Салбий
32.	Янги тадбиркорлик субъектларининг ўсиши	фоиз	Қайта (янги) ташкил этилган тадбиркорлик субъектларининг фаолияти тўхтатилган тадбиркорлик субъектлари сонига нисбати	Давлат статистика қўмитаси, Давлат хизматлари агентлиги	Ижобий
33.	Кичик бизнесда янги иш ўринлари яратиш	фоиз	Яратилган иш ўринларининг умумий сонида кичик бизнес субъектларида яратилган иш ўринларининг улуши	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси	Ижобий
7. Банк-молия соҳасининг молиявий мустақиллиги ва ривожланиш кўрсаткичлари					5,0
34.	Аҳоли жон бошига маҳаллий бюджет даромадлари	минг сўм	Маҳаллий бюджет даромадларининг (трансферларсиз) доимий аҳоли сонига нисбати	Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси	Ижобий
35.	Ҳисобланган солиқ тўловларини йиғиш даражаси	фоиз	Ундирилган солиқларнинг ҳисобланган солиқларга нисбати	Давлат солиқ қўмитаси	Ижобий
36.	Банклардаги аҳоли омонатлари ҳажми	минг сўм	Ҳар 100 минг кишига тўғри келадиган банклардаги аҳоли омонатлари ҳажми	Марказий банк, Давлат статистика қўмитаси	Ижобий
37.	Тижорат банкларида муаммоли кредитларнинг улуши	фоиз	Тижорат банкларининг жами кредит портфелида муаммоли кредитларнинг улуши	Марказий банк	Ижобий

T/р	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Кўрсаткичларни ҳисоблаш методикаси	Масъул орган*	Индикатор тоифаси ва баллари
8. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш самарадорлиги ва маълумотларнинг очиқлиги кўрсаткичлари				3,75	
38.	Такрорий мурожаатлар сони	бирлик	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналари орқали маҳаллий давлат ҳокимияти органларига келиб тушган такрорий мурожаатларнинг ҳудудда истиқомат қилувчи ҳар 1 000 кишига тўғри келадиган сони	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва мурожаатлар билан ишлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлинмалари	Салбий
39.	Қаноатлантирилган мурожаатлар улуши	фоиз	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналари орқали маҳаллий давлат ҳокимияти органларига келиб тушган жами мурожаатлардаги қаноатлантирилган мурожаатлар улуши	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва мурожаатлар билан ишлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлинмалари	Ижобий
40.	Маҳаллий ҳокимият органлари сайтларининг оммавийлиги даражаси	фоиз	Маҳаллий ҳокимият органлари сайтларига ташриф буюрувчилар сонининг ҳудуд аҳолиси сонига нисбати	Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	Ижобий

***Изоҳ:** ахборот тизимига маълумотларни жойлаштириш (киритиш) учун биринчи кўрсатилган ижрочи масъул ҳисобланади. Кўрсаткичларни шакллантириш учун жавобгарлик ҳар бир кўрсатилган давлат бошқаруви органи ва муассасасига юклатилади.

Рейтинг кўрсаткичлари асосида ҳудудларнинг
ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини
баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомга
2а-илова

**Туман ва шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини баҳолашнинг
РЕЙТИНГ КЎРСАТКИЧЛАРИ**
(тезкор баҳо)

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Кўрсаткичларни ҳисоблаш методикаси	Масъул орган *	Индикатор тоифаси ва баллари
Жами максимал балл					50
1. Иқтисодий ривожланиш ва самарадорлик кўрсаткичлари					7,5
1.	Истеъмол нархлари индекси	фоиз	Ўтган йилнинг мос даврига товарлар (хизматлар) учун гурӯҳ нарх индексларидан ўртача арифметик тортилган қиймат	Давлат статистика қўмитаси	Салбий
